

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ФАРМОНИ**

**АҲОЛИНИ ХУНАРМАНДЧИЛИККА ЖАЛБ ҚИЛИШ ВА ХУНАРМАНДЧИЛИК
ФАОЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ УЧУН ҚУЛАЙ ШАРТ-ШАРОИТЛАР
ЯРАТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА**

Мамлакатимизда хунармандчиликни ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, хусусан хунармандларни солиққа тортиш тизимини такомиллаштириш, уларни зарур хомашё ва молиявий ресурслар билан узлуксиз таъминлаш, хунармандчилик маҳсулотларини реализация қилиш учун инфратузилма яратиш ва бозорларни кенгайтириш ҳамда аҳолини хунармандчиликка кенг жалб этиш мақсадида:

1. Хунармандчилик фаолиятининг йўналишлари рўйхати **1-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

«Хунарманд» уюшмасининг устувор вазифаси этиб ҳудудларда хунармандчилик фаолиятининг ҳар бир йўналишини алоҳида ёндашувлар асосида ривожлантириш дастурларини амалга ошириш, айниқса, хунармандчиликнинг йўқолиб кетаётган турларини сақлаб қолиш ва келгуси авлодларга етказиш белгилансин.

2. Белгилансинки, 2023 йил 1 июндан 2025 йил 1 январга қадар «Халқ амалий санъати усталарининг миллий каталоги» (кейинги ўринларда — Миллий каталог) ва «Туризм соҳасида фаолият юритаётган хунармандлар реестри»га (кейинги ўринларда — Реестр) киритилган хунармандлар учун:

календарь йил давомида хунармандчилик маҳсулотларини (ишлар, хизматлар) реализация қилишдан тушган тушумнинг 100 миллион сўмдан ошган, бироқ 1 миллиард сўмдан кўп бўлмаган миқдори бўйича айланмадан олинадиган солиқ ставкаси 50 фоизга камайтирилади;

товар белгиларини миллий рўйхатдан ўтказиш бепул амалга оширилади.

3. 2023 йилда оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида касаначилик ва хунармандчиликни ривожлантиришга ажратилаётган маблағларнинг камида 70 фоизи хунармандчиликни ривожлантириш бўйича лойиҳаларни молиялаштиришга йўналтирилсин.

Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича туман (шаҳар) ҳокимларининг ёрдамчилари ва тижорат банклари билан биргаликда мазкур бандда назарда тутилган маблағларнинг манзилли ажратилишини таъминласин.

4. Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги ҳузуридаги Касаначиликни қўллаб-қувватлаш жамғармаси Хунармандчилик ва касаначиликни қўллаб-қувватлаш жамғармаси (кейинги ўринларда — Жамғарма) этиб қайта номлансин ва 2023 йил 15 июндан бошлаб хунармандчиликни молиявий қўллаб-қувватлаш чоралари Жамғарма маблағлари ҳисобидан амалга оширилсин.

Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги бир ҳафта муддатда Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси ва Аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш жамғармасидан хунармандчилик фаолиятини қўллаб-қувватлашга ажратиладиган субсидиялар учун кўзда тутилган маблағларни Жамғармага йўналтирсин.

5. Касаначилик асосида уй шароитида ишлаётган ногиронлиги бўлган шахсларнинг иш жойини мослаштириш учун ҳар бир мослаштирилаётган иш жойи бўйича субсидия ажратиш тартиби хунармандчилик билан шуғулланаётган ногиронлиги бўлган шахсларга нисбатан ҳам татбиқ этилсин.

6. Хунармандчилик ва касаначиликни қўллаб-қувватлаш жамғармаси ҳисобидан хунармандчилик фаолиятини қўллаб-қувватлаш учун ажратиладиган субсидиялар рўйхати **2-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

7. Давлат буюртмачиларига харид жараёни очиклиги ва шаффофлигини таъминлаган ҳолда ҳунармандлар ўртасида энг яхши таклифларни танлаш натижаларига кўра улар томонидан ишлаб чиқарилган ҳунармандчилик маҳсулотларини харид қилишга рухсат берилсин.

8. Белгилансинки, 2023 йил 1 июлдан бошлаб ҳунармандчилик маҳсулотларини экспорт қилишда халқаро почта ва курьерлик жўнатмалари сифатида жўнатиш харажатларининг 50 фоизи, бироқ маҳсулот экспорт қийматининг (жўнатиш харажатларисиз) 50 фоизидан ортиқ бўлмаган қисми Экспортни рағбатлантириш агентлиги томонидан қоплаб берилади.

9. 2023 йил 1 июлдан бошлаб давлат мулки бўлган моддий маданий мероснинг кўчмас мулк объектларини ҳунармандчилик фаолияти билан шуғулланиш, шу жумладан ҳунармандчилик маҳсулотларини реализация қилиш учун фақат Миллий каталог ва Реестрга киритилган ҳунармандларга электрон онлайн-аукцион орқали ижарага бериш тартиби жорий этилсин.

10. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

ҳунармандчилик фаолияти билан шуғулланиш учун ижарага бериладиган давлат мулки бўлган моддий маданий мероснинг кўчмас мулк объектлари (кейинги ўринларда — маданий мерос объектлари) рўйхати Маданий мерос агентлиги томонидан шакллантирилади; рўйхатга киритилган маданий мерос объектлари Давлат активларини бошқариш агентлиги ҳузуридаги Давлат мулки объектларидан самарали фойдаланиш маркази томонидан электрон онлайн-аукцион савдоларига чиқарилади;

маданий мерос объектларини ҳунармандларга ижарага беришда аукционга чиқариладиган бошланғич нарх амалдаги ставкага нисбатан 50 фоиз миқдорида белгиланади;

маданий мерос объектлари ҳунармандларга беш йил муддатга ижарага берилади ҳамда ижара шартномалари бўйича мажбуриятлар ўз вақтида ва тўлиқ бажарилган тақдирда ижара муддати яна беш йил муддатга, қадимий сулола давомчилари бўлган камида учинчи авлод ҳунармандларига ўн йил муддатга узайтириб берилади.

11. 2023-2024 йилларда ҳунармандчилик йўналишлари бўйича ўтказиладиган кўرғазмалар, фестиваллар ва халқаро конференциялар рўйхати **3-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

12. Белгилансинки, 2023 йил 1 июлдан бошлаб хорижий давлатларда ҳунармандчилик йўналишлари бўйича ўтказиладиган кўрғазмалар, фестиваллар ва конференцияларда:

ҳунармандлар, шунингдек, ногиронлиги бўлган ҳунармандга ҳамроҳлик қилувчи бир нафар шахснинг иштирокини таъминлаш — «Ҳунарманд» уюшмасининг маблағлари ҳисобидан;

миллий услубдаги павильонлар яратиш, ҳунармандчилик маҳсулотлари бўйича тарғибот материалларини тайёрлаш ва чоп этиш харажатлари «Ҳунарманд» уюшмасининг ҳисоб-китобларига мувофиқ, Жамғарма ҳисобидан қоплаб берилади.

«Ҳунарманд» уюшмаси ҳар йили 1 декабрга қадар келгуси йил учун ҳунармандларнинг хорижий давлатларда ҳунармандчилик йўналишлари бўйича ўтказиладиган кўрғазмалар, фестиваллар ва конференцияларда кенг иштирок этишини таъминлаш бўйича чора-тадбирлар режасини тасдиқласин.

13. Тошкент шаҳар ҳокимлиги «Ҳунарманд» уюшмаси билан биргаликда 2024 йил 1 мартга қадар Тошкент шаҳридаги «Янги Ўзбекистон» боғига туташ ҳудудда захирадаги ерларнинг 0,3 гектар ер участкасида маҳаллий бюджет маблағларининг орттириб бажарилган қисми ва қонунчиликда тақиқланмаган маблағлар ҳисобидан намоиш зали, «Уста-шоғирд» мактаби ва устахонани ўз ичига олган Ҳунармандлар маскани барпо этилиши ва ушбу объектдан ҳар бир ҳунармандга 100 квадрат метргача бўлган жойлар белгиланган тартибда ижарага берилишини таъминласин.

14. 2023-2024 йилларда ҳудудларда ҳунармандчилик йўналишларини ривожлантириш бўйича «йўл харитаси» **4-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

15. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги 2024 йилдан бошлаб ҳар йили қуйидаги харажатларни молиялаштириш учун асослантирилган ҳисоб-китоблар бўйича зарур маблағларни Давлат бюджети параметрларида назарда тутсин:

Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги буюртмаси бўйича — Жамғармани молиялаштириш;

Маданий мерос агентлиги буюртмаси бўйича — давлат музейлари эҳтиёжидан келиб чиқиб, ҳунармандларнинг миллий кадриятларни акс эттирган муаллифлик асарларини харид қилиш.

16. Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси ва «Ҳунарманд» уюшмаси мазкур Фармоннинг мақсади, вазифалари ва ундан кутилаётган натижаларни оммавий ахборот воситалари, интернет ва ижтимоий тармоқларда кенг ёритиш ишларини ташкил қилсин.

17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига **5-иловага** мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

18. Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги «Ҳунарманд» уюшмаси ҳамда манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

19. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш ва ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2023 йил 12 июнь,
ПФ-91-сон

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 12 июндаги ПФ-91-сон Фармонига
1-ИЛОВА

Ҳунармандчилик фаолиятининг йўналишлари

РЎЙХАТИ

Т/р	Фаолият йўналишлари*	Маҳсулотларнинг асосий турлари
1.	Ганч ўймакорлиги	Қандиллар, девор шамдонлари, кўзгу, нақшлар, сталактитлар, мукарнас (фриз), карнизлар, устунлар элементлари, панжаралар, ҳайкалчалар, панно, шифт ва девор безаклари ва асослари, ганчдан ясалган архитектура ва қурилиш элементлари, бошқа амалий безак маҳсулотлари.
2.	Кўлда гилам тўқиш	Гилам ва гиламчалар, палослар, хуржунлар, кигиз буюмлар, шолчалар, жойнамоzлар, ўтовлар, табиий толадан тайёрланган буюмлар.
3.	Кўлда газламалар тўқиш	Атлас, беқасам, адрас, табиий ипак, ип калава, жун ва сунъий ипдан тўқилган газламалар.
4.	Тош ўймакорлиги	Тошдан тайёрланган эсдалик буюмлар, майда пластикалар, қутичалар, ёзув анжомлари, шамдонлар, панно, рельефлар ва контррельефлар, барельефлар, геральдика ва рамзлар, тошни пардозлаш йўли билан тайёрланган безаклар ва бошқа безак буюмлар.
5.	Миниатюра, рангасвир, наққошлик ва бўёқли нақшлар тайёрлаш	Лок миниатюраси техникасида тайёрланган буюмлар: қутичалар, суратлар, девор, қоғоз мато, тери, газлама, папье-маше, ёғоч, қовоқ, картон, суяк ва эмалдаги нақшлар

		ва расмлар, миниатюра ва тасвирий санъат асарлари, рисолалар ва бошқа ҳунармандчилик буюмлари, муқовалаш.
6.	Кандакорлик, мискарлик буюмларини тайёрлаш	Мис, латун, алюминийдан ясалган буюмлар (чойнак, қумғон, лаган, гулдон, шунингдек, безаш ва амалий мақсадлар учун мўлжаллаган бошқа буюмлар).
7.	Металлдан буюмлар яшаш	Қўлда ясалган металл буюмлар: эшиклар, нақшли дарвозалар, панжаралар, дераза ва эшик тутқичлари, илгаклар, қўнғироқлар, занжирлар, шамдонлар, кетмонлар, тешалар, хаскаш, паншахалар, омочлар, барча турдаги миллий қилич, ханжар ва пичоқлар, оммавий ишлаб чиқариладиган металл буюмлар.
8.	Тунукадан буюмлар яшаш	Қўлда ясалган тунука буюмлар: гулдор ва жимжимадор тарнов ва қувурлар, ошхона анжомлари (ошпичоқ, капкир, чўмич, човли, элак, мантиқосқон ва бошқалар), уй-рўзғор буюмлари (кийим ва парда илгичлар, қўл ювгич, тутқичлар, соябонлар) ва бошқалар.
9.	Миллий пойабзал тайёрлаш	Қўлда ва яққа тартибда тикилган миллий пойабзаллар, теридан маҳси ва ковушлар, кирза ва кигиз этиклар, сандаллар, шиппаклар, туфлилар.
10.	Миллий либослар тайёрлаш	Чопон, яхтак, нимча, болалар чопонлари, тўй либослари ва бошқа миллий кийимлар.
11.	Бош кийимлар тайёрлаш	Телпак, салла, шунингдек, мўйна, қорақўл тери, тери ва қўлда ишлов берилган материаллардан тикилган бошқа бош кийимлар.
12.	Ёғоч ўймакорлиги	Ёғоч ўймакорлиги услубида бажарилган барча амалий безак санъат турлари.
13.	Суякка ўйма нақш солиш	Эсдалик совғалари, майда ҳайкалчалар, нэцкэ, қутичалар, пичоқ, қилич, ханжар соплари, суякдан безак берган ҳолда тайёрланган бошқа амалий безак маҳсулотлари.
14.	Гул босилган газламалар ва чокли буюмлар тайёрлаш	Турли хил матоларга гул босиш усулида тайёрланган буюмлар: батик, миллий кўрпа ва кўрпачалар, ёстиқлар, белбоғлар, жияклар, сумкалар, тасмалар, болалар кийимлари ва бошқа чокли ҳунармандчилик буюмлари.
15.	Каштачилик	Каштачилик ва тўқилган буюмлар, шунингдек, қўлда тайёрланган бош кийимлар қисмлари (кашта машина ёрдамида ҳам тайёрланиши мумкин).
16.	Зардўзлик буюмлари	Металл иплардан фойдаланган ҳолда зардўзлик услубида тайёрланган барча ҳунармандчилик маҳсулотлари.
17.	Мусиқа асбобларини тайёрлаш	Ишлаб чиқаришдан ташқари усулда тайёрланган барча турдаги миллий мусиқа асбоблари.
18.	Чинни, фаянс ва сопол буюмлари тайёрлаш	Чинни, фаянс ва сополдан тайёрланган амалий безак санъатининг барча турлари, архитектура-безак элементлари, чинни, фаянс ва сопол буюмларини нақш ва трафарет билан безаш, лойдан тайёрланган уй ва ошхона буюмлари, тандирлар.
19.	Қимматбаҳо металлдан заргарлик буюмларини яшаш	Қонунчиликка мувофиқ тамғаланиши шарт бўлган пробали олтин, кумуш, платина ва платина гуруҳидаги металллардан ижодий, муаллифлик ва миллий услубда ясалган буюмлар.
20.	Ўйинчоқлар тайёрлаш	Ёғоч, металл, гипс, мато, сопол ва бошқа материаллардан ишлаб чиқаришдан ташқари шароитда ясалган ўйинчоқлар.

21.	Майда ҳайкалтарошлик буюмларини тайёрлаш	Табиий ва сунъий материаллар (гипс, шамот, мис, бронза, алюминий, суяк, ёғоч, тош, сопол, чинни, фаянс, ва бошқалар)дан ясалган барча турдаги ҳайкалтарошлик буюмлари.
22.	Чарм маҳсулотларини тайёрлаш	Эгар-жабдуқ анжомлари, шу жумладан улар учун арқон, белбоғ, қайиш анжомлар, табиий ва сунъий чармдан тайёрланган миллий нимча ва бош кийимлар, чармдан тайёрланган эсдалик буюмлари.
23.	Муаллифлик мебелларини тайёрлаш	Амалий безак санъати предметларига кирадиган мебель (тўпламлари ва алоҳида қисмлари).
24.	Ёғочдан халқ ҳунармандчилиги маҳсулотларини тайёрлаш	Ошхона анжомлари (ўқлов, туздон, нон қути, жува, кели, ош тахта, чакич), ёғоч, фанер ва ламинатдан тайёрланган турли ҳунармандчилик маҳсулотлари, беланчақлар, болалар аравачаси, бешик ва унинг анжомлари, турли хонтахталар, сандиқ, жавон, эшик, ром, безакли рейкалар, сурат учун ромлар (багет), токарлик ускунасидан тайёрланган ҳар хил шаклли ҳунармандчилик маҳсулотлари, ёғоч шахмат тахтаси ва донаси, панно, ёғочдан қўлда ва кичик механизация воситалари ёрдамида ясалган бошқа буюмлар.
25.	Печка ва каминлар ясаш	Печкалар, каминлар, шу жумладан улар учун ҳаво сўриш қурилмалари.
26.	Новдалардан буюмлар тўқиш	Ўсимлик новдаларидан тўқилган буюмлар (қамиш, тол, похол, ток новдалари ва бошқа ҳар хил дарахт новдалари).
27.	Мозайка ишлари	Девор ва шифт мозайкалари, табиий ва сунъий материалдан мозайка паннолари тайёрлаш.
28.	Кўзгу тайёрлаш	Кўзгу ва кўзгу сиртлари тайёрлаш.
29.	Шиша пуфлаш ишлари	Бадий пуфлаш асосида ишланган бра, майда пластиклар, эсдалик буюмлари, тақинчоқлар.
30.	Ҳажмли ва шаклли қолипларда қуйилган буюмлар тайёрлаш	Табиий ва сунъий материаллардан қуйма услубда ишланган буюмлар, шунингдек, (мураккаб механизм ва машиналардан фойдаланмаган ҳолда) мис, бронза, чўян, алюминийдан қўлда қуйма услубда ишланган маҳсулотлар.
31.	Соатсозлик	Деворга осиладиган эксклюзив, полда турадиган, камин ва қўл соатлари тайёрлаш, соат механизмларини таъмирлаш.
32.	Эмаллаш ишлари	Эмал қопламали буюмларни тайёрлаш, эмал қопламаларини таъмирлаш ва тиклаш.
33.	Эсдалик буюмларини тайёрлаш	Турли табиий ва сунъий материаллардан ҳар хил рангда тайёрланган эсдалик ва совға буюмлари, камар, нишонлар, тасбех, гулдасталар, флористика, икебана ва бошқа буюмлар.
34.	Оддий металллардан миллий услубда тақинчоқлар ясаш	Оддий металллардан миллий услубда тайёрланган барча тақинчоқлар (туморлар, зирақлар, зебигардон, билагузук, узук, тиллақош ва бошқалар).
35.	От анжомларини тайёрлаш	Узанги, тақа, нуқта, қамчи, эгар-жабдуқ ва бошқа маҳсулотлар тайёрлаш.
36.	Хаттотлик	Хаттотлик услубида тайёрланган қўлёзмалар, китоблар, миниатюра ва тасвирий санъат асарлари, рисоалар ва бошқа ҳунармандчилик буюмлари яратиш.
37.	Қадимий қўлёзмаларни реставрация қилиш	Қадимий ёзма манбаларни консервация ва реставрация қилиш, муқовалаш.

38.	Макраме ва кўлда тўқилган буюмлар тайёрлаш	Макраме, патли рўмоллар, спицаларда тўқилган буюмлар.
39.	Анъанавий дўппичилик	Худудларга хос гул ва нақшларда миллий услубда тайёрланган дўппи ва бош кийимлар.
40.	Замонавий санъат асарлари яратиш	Чиқинди ва қайта ишланган хомашёлардан фойдаланиб декоратив, ноанъанавий асарлар яратиш.
41.	Деворга безак бериш	Деворга миллий ва замонавий услубда безак бериш, барельеф.
42.	Анъанавий дизайнерлик хизматларини кўрсатиш	Миллий кийимлар, тўй ва маросимларда ишлатиладиган сарпо идишлар, ҳар хил ўлчам ва кўринишдаги жомадонлар.
43.	Қуроқчилик усулида тикиш	Кўрпа, ёпинчиқ, панно, ёстик жилдлар тайёрлаш

Изоҳ: хунармандлар мазкур йўналишлар бўйича хунармандчилик маҳсулотларини (ишларни, хизматларни) реализация қилиш, хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш ишларини амалга ошириш ҳуқуқига эга.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 12 июндаги ПФ-91-сон Фармониغا
2-ИЛОВА

**Хунармандчилик ва касаначиликни қўллаб-қувватлаш жамғармаси ҳисобидан
хунармандчилик фаолиятини қўллаб-қувватлаш учун ажратиладиган субсидиялар
РЎЙХАТИ**

Т/р	Хунармандчилик фаолиятини қўллаб-қувватлаш йўналишлари	Туман ва шаҳарлар				
		1-тоифа	2-тоифа	3-тоифа	4-тоифа	5-тоифа
1.	«Уста-шогирд» анъаналари асосида ёшларга хунар ўргатаётган хунармандларга шогирдлар тайёрлаш, зарур хомашё сотиб олиш ва шогирдларни иш ҳақи билан таъминлаш учун	Базавий ҳисоблаш миқдорининг (БХМ) 2 бараваригача			БХМнинг 4 бараваригача	БХМнинг 5 бараваригача
2.	Шогирдларга — мустақил фаолият бошлаши учун зарур асбоб-ускуна ва жиҳозларни сотиб олиш учун	Харажатларнинг 50 фоизи, бироқ БХМнинг 25 бараваригача			Харажатларнинг 75 фоизи, бироқ БХМнинг 30 бараваригача	
3.	Усталарга — интернет сайтларини яратиш, ўз маҳсулотларини жаҳон электрон савдо майдончаларига чиқариш ва реклама харажатлари учун	Харажатларнинг 50 фоизи, бироқ БХМнинг 25 бараваригача			Харажатларнинг 75 фоизи, бироқ БХМнинг 30 бараваригача	
4.	Хунармандларнинг «Хунарманд» уюшмасига аъзолик бадали харажатлари учун	БХМнинг 5 бараваригача				
5.	Хунармандчилик фаолияти билан шуғулланаётган ногиронлиги бўлган шахсларнинг иш жойини мослаштириш учун ҳар бир мослаштирилаётган иш жойи бўйича	БХМнинг 40 бараваригача				

**2023-2024 йилларда хунармандчиликнинг турли йўналишлари бўйича ўтказиладиган
кўргазмалар, фестиваллар ва халқаро конференциялар**

РЎЙХАТИ

Т/р	Тадбирлар номланиши	Амалга ошириш муддати	Масъул ижрочилар
Қорақалпоғистон Республикаси			
1.	Халқаро «Ўтов» хунармандчилик фестивалини ташкил этиш.	2023 йил октябрь	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши (Эрманов), Маданият ва туризм вазирлиги (Назарбеков), «Хунарманд» уюшмаси (Абдуллаев)
2.	Нукус шаҳрида «Тақия» халқаро фестивалини ўтказиш.	2024 йил май	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши (Эрманов), Маданият ва туризм вазирлиги (Назарбеков), «Хунарманд» уюшмаси (Абдуллаев)
Андижон вилояти			
3.	Андижон шаҳрида «Миллий кўғирчоқлар — миллий қадриятлар кўзгуси» номли республика фестивалини ўтказиш.	2023 йил сентябрь	Андижон вилояти ҳокимлиги (Абдурахмонов), «Хунарманд» уюшмаси (Абдуллаев), Маданият ва туризм вазирлиги (Назарбеков), Мактаб ва мактабгача таълим вазирлиги (Умарова)
4.	Шаҳрихон туманида миллий пичоқчилик кўргазма-ярмаркасини ташкил этиш.	2024 йил июль	Андижон вилояти ҳокимлиги (Абдурахмонов), «Хунарманд» уюшмаси (Абдуллаев), Маданият ва туризм вазирлиги (Назарбеков)
Бухоро вилояти			
5.	Бухоро шаҳрида «Ипак ва зираворлар» анъанавий халқаро фестивалини ўтказиш.	2023 йил июнь	Бухоро вилояти ҳокимлиги (Зарипов), Маданият ва туризм вазирлиги (Назарбеков), «Хунарманд» уюшмаси (Абдуллаев)

6.	Бухоро шаҳрида «Бухоро хунармандлари куни» фестивалини ўтказиш.	2024 йил ноябрь	Бухоро вилояти ҳокимлиги (Зарипов), Маданият ва туризм вазирлиги (Назарбеков), «Хунарманд» уюшмаси (Абдуллаев)
Жиззах вилояти			
7.	Бахмал туманида «Бахмал эгарлари» хунармандчилик маҳсулотлари савдо кўргазмасини ташкил этиш.	2023 йил август	Жиззах вилояти ҳокимлиги (Салиев), «Хунарманд» уюшмаси (Абдуллаев), Маданият ва туризм вазирлиги (Назарбеков)
8.	Зомин туманида «Миллий қуроқлар ва чопонлар» миллий хунармандчилик маҳсулотлари кўргазмасини ташкил этиш.	2024 йил июль	Жиззах вилояти ҳокимлиги (Салиев), «Хунарманд» уюшмаси (Абдуллаев), Маданият ва туризм вазирлиги (Назарбеков)
Қашқадарё вилояти			
9.	Шаҳрисабз шаҳрида Халқаро ироқи каштачилик фестивалини ташкил этиш.	2023 йил август	Қашқадарё вилояти ҳокимлиги (Азимов), Маданият ва туризм вазирлиги (Назарбеков), «Хунарманд» уюшмаси (Абдуллаев)
10.	Касби туманида кулолчилик кўргазмасини ўтказиш.	2024 йил октябрь	Қашқадарё вилояти ҳокимлиги (Азимов), «Хунарманд» уюшмаси (Абдуллаев), Маданият ва туризм вазирлиги (Назарбеков)
Навоий вилояти			
11.	Навоий шаҳрида «Навоий хунармандлари куни» фестивалини ўтказиш.	2023 йил сентябрь	Навоий вилояти ҳокимлиги (Турсунов), «Хунарманд» уюшмаси (Абдуллаев)
12.	«Нурота каштачилиги» хунармандчилик кўргазмасини ташкил этиш.	2024 йил август	Навоий вилояти ҳокимлиги (Турсунов), «Хунарманд» уюшмаси (Абдуллаев), Маданият ва туризм вазирлиги (Назарбеков)
Наманган вилояти			
13.	Чуст туманида «Дўппи тикдим ипаклари тиллодан» республика миллий дўппилар кўргазма ярмаркасини ташкил этиш.	2023 йил август	Наманган вилояти ҳокимлиги (Абдуразаков), «Хунарманд» уюшмаси (Абдуллаев), Маданият ва туризм вазирлиги (Назарбеков)

14.	Наманган шаҳрида «Ёғоч ўймакорлиги санъати» фестивалини ўтказиш.	2024 йил октябрь	Наманган вилояти ҳокимлиги (Абдуразаков), Маданият ва туризм вазирлиги (Назарбеков), «Хунарманд» уюшмаси (Абдуллаев)
Самарқанд вилояти			
15.	Самарқанд шаҳрида «Silk road bazar» миллий хунармандчилик фестивалини ўтказиш.	2023 йил октябрь	Самарқанд вилояти ҳокимлиги (Турдимов), Маданият ва туризм вазирлиги (Назарбеков), «Хунарманд» уюшмаси (Абдуллаев)
16.	Самарқанд шаҳрида II Халқаро каштачилик фестивалини ўтказиш.	2024 йил март	Самарқанд вилояти ҳокимлиги (Турдимов), Маданият ва туризм вазирлиги (Назарбеков), «Хунарманд» уюшмаси (Абдуллаев)
Сирдарё вилояти			
17.	Гулистон шаҳрида миллий либослар фестивали ва хунармандчилик маҳсулотлари савдо кўргазмасини ташкил этиш.	2024 йил июнь	Сирдарё вилояти ҳокимлиги (Махмудалиев), «Хунарманд» уюшмаси (Абдуллаев) Маданият ва туризм вазирлиги (Назарбеков)
Сурхондарё вилояти			
18.	Ангор хунармандчилик марказида миллий либослар кўргазмасини ташкил этиш.	2024 йил апрель	Сурхондарё вилояти ҳокимлиги (Қосимов), «Хунарманд» уюшмаси (Абдуллаев), Маданият ва туризм вазирлиги (Назарбеков)
Тошкент вилояти			
19.	Бўстонлик туманида миллий сувенирлар ярмаркасини ташкил этиш.	2023 йил август	Тошкент вилояти ҳокимлиги (Мирзаев), «Хунарманд» уюшмаси (Абдуллаев), Маданият ва туризм вазирлиги (Назарбеков)
20.	Ангрен шаҳрида «Макраме ва патли рўмоллар» савдо-ярмаркасини ташкил этиш.	2024 йил ноябрь	Тошкент вилояти ҳокимлиги (Мирзаев), «Хунарманд» уюшмаси (Абдуллаев), Маданият ва туризм вазирлиги (Назарбеков)
Фарғона вилояти			

21.	Риштон туманида «Кулоллар сайли» миллий кулолчилик маҳсулотлари кўргазма-ярмаркасини ташкил этиш.	2024 йил май	Фарғона вилояти ҳокимлиги (Бозаров), «Хунарманд» уюшмаси (Абдуллаев), Маданият ва туризм вазирлиги (Назарбеков)
22.	Фурқат туманида «Уч авлод» республика ёғоч ўймакорлари учрашувларини ташкил этиш.	2023 йил сентябрь	Фарғона вилояти ҳокимлиги (Бозаров), «Хунарманд» уюшмаси (Абдуллаев)
23.	Марғилон шаҳрида «Атлас байрами» VI халқаро анъанавий тўқимачилик фестивалини ўтказиш.	2024 йил октябрь	Фарғона вилояти ҳокимлиги (Бозаров), Маданият ва туризм вазирлиги (Назарбеков), «Хунарманд» уюшмаси (Абдуллаев), ЮНЕСКО ишлари бўйича Миллий комиссия
Хоразм вилояти			
24.	Хива шаҳрида «Гидамларга битилган тарих» гиламчилик кўргазмасини ташкил этиш.	2023 йил август	Хоразм вилояти ҳокимлиги (Рахимов), «Хунарманд» уюшмаси (Абдуллаев), Маданият ва туризм вазирлиги (Назарбеков)
25.	Янгиариқ кулолчилик марказида «Кулоллар сайли» миллий кулолчилик маҳсулотлари кўргазма савдосини ташкил этиш.	2024 йил апрель	Хоразм вилояти ҳокимлиги (Рахимов), «Хунарманд» уюшмаси (Абдуллаев), Маданият ва туризм вазирлиги (Назарбеков)
Тошкент шаҳри			
26.	«Ўзбекистон совғалари» миллий сувенирлар ва хунармандчилик маҳсулотлари кўргазма-савдосини ташкил этиш.	2023 йил август	Тошкент шаҳри ҳокимлиги (Умурзаков), «Хунарманд» уюшмаси (Абдуллаев), Маданият ва туризм вазирлиги (Назарбеков)
27.	«Craft fair Uzbekistan» халқаро хунармандчилик маҳсулотлари ва технологиялари ярмаркаларини ўтказиш.	2023-2024 йиллар ноябрь ойида	Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги (Қудратов), Тошкент шаҳри ҳокимлиги (Умурзаков), «Хунарманд» уюшмаси (Абдуллаев), Маданият ва туризм вазирлиги (Назарбеков), Ташқи ишлар вазирлиги (Саидов)

28.	«Янги йил совғалари» миллий сувенирлар ярмаркасини ташкил этиш.	2023-2024 йиллар декабрь ойида	Тошкент шаҳри ҳокимлиги (Умурзаков), «Хунарманд» уюшмаси (Абдуллаев), Маданият ва туризм вазирлиги (Назарбеков)
29.	«Соҳир қалам мўъжизаси» IV республика хаттотлик ва миниатюра кўргазмаси ҳамда илмий-амалий конференциясини ўтказиш.	2024 йил февраль	«Хунарманд» уюшмаси (Абдуллаев), Бадий академия (Нуриддинов)
Халқаро тадбирлар			
30.	АҚШ, Буюк Британия, Франция, Германия, Италия, Россия, Япония, Хитой, Туркия, Индонезия, Ҳиндистон, Малайзия, Қозоғистон, Озарбайжон, Қирғизистон, Тожикистон ва бошқа давлатларда ташкил этиладиган халқаро кўргазма ва фестивалларда (махсус режага мувофиқ) Ўзбекистон хунармандларининг иштирокини таъминлаш.	2023-2024 йиллар мобайнида	Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги (Қудратов), Ташқи ишлар вазирлиги (Саидов), Маданият ва туризм вазирлиги (Назарбеков), «Хунарманд» уюшмаси (Абдуллаев)

Изоҳ: тадбирларни ўтказиш муддатига зарур ҳолларда Вазирлар Маҳкамаси (Ж. Ходжаев) томонидан ўзгартириш киритишга рухсат берилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 12 июндаги ПФ-91-сон Фармониغا
4-ИЛОВА

2023-2024 йилларда ҳудудларда хунармандчилик йўналишларини ривожлантириш бўйича

«ЙЎЛ ХАРИТАСИ»

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш шакли	Ижро муддати	Масъул ижрочилар
1.	2023 йилда оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида касаначилик ва хунармандчиликни ривожлантиришга ажратилаётган маблағларнинг камида 70 фоизини хунармандчиликни ривожлантириш бўйича лойиҳаларни молиялаштиришга йўналтириш.	Амалий чора-тадбирлар	2023 йил давомида	Марказий банк (Камалов), Иқтисодиёт ва молия вазирлиги (Султанов), Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги (Мухитдинов)
2.	Хунармандчилик фаолияти билан шуғулланиш учун ижарага бериладиган давлат мулки бўлган моддий маданий мероснинг кўчмас мулк объектлари рўйхатини шакллантириш ва уларни мунтазам янгилан бориш.	Амалий чора-тадбирлар	2023 йил 25 июнь, ҳар йили	Маданий мерос агентлиги (Абдукаримов)
3.	Рўйхатга асосан хунармандчилик фаолияти билан шуғулланиш учун ижарага бериладиган давлат мулки	Амалий чора-тадбирлар	2023 йил 1 июль, ҳар йили	Давлат активларини

	бўлган моддий маданий мероснинг кўчмас мулк объектларини электрон онлайн аукционга чиқариш.			бошқариш агентлиги (<i>Ортиқов</i>)
4.	Давлат мулкни ижарага бериш тартибини моддий маданий мероснинг кўчмас мулк объектларини хунармандчилик фаолияти билан шуғулланиш учун ижарага беришнинг хусусиятларидан келиб чиқиб, такомиллаштириш.	Норматив-хуқуқий хужжат лойиҳаси	2023 йил 1 август	Давлат активларини бошқариш агентлиги (<i>Ортиқов</i>), Маданий мерос агентлиги (<i>Абдукаримов</i>)
5.	«Халқ амалий санъати усталарининг миллий каталоги» ва «Туризм соҳасида фаолият юритаётган хунармандлар реестри»ни «E-auction» электрон савдо платформасига интеграция қилиш.	Амалий чора-тадбирлар	2023 йил 1 июль	«Хунарманд» уюшмаси (<i>Абдуллаев</i>), Рақамли технологиялар вазирлиги (<i>Пекосъ</i>), Давлат активларини бошқариш агентлиги (<i>Ортиқов</i>)
6.	«Халқ амалий санъати усталарининг миллий каталоги»да қадимий сулола давомчилари бўлган хунармандлар реестрини юритиш ва доимий янгилаб бориш.	Амалий чора-тадбирлар	2023 йил 1 июль, доимий	«Хунарманд» уюшмаси (<i>Абдуллаев</i>)
7.	Хунармандларнинг хорижий мамлакатларда хунармандчилик йўналишлари бўйичаўтказиладиган кўргазмалар, фестиваллар ва конференцияларда кенг иштирок этишини таъминлаш бўйича чора-тадбирлар режасини тасдиқлаш.	Чора-тадбирлар режаси	Ҳар йили 1 декабрга қадар	«Хунарманд» уюшмаси (<i>Абдуллаев</i>)
8.	Тошкент шаҳридаги «Янги Ўзбекистон» боғига туташ ҳудудда захирадаги ерларнинг 0,3 гектар ер участкасида маҳаллий бюджет маблағларининг орттириб бажарилган қисми ва қонунчиликда тақиқланмаган бошқа маблағлар ҳисобидан намоиш зали, «Уста-шогирд» мактаби ва устахонани ўз ичига олган Хунармандлар масканини барпо этиш ва хунармандларга белгиланган тартибда ижарага бериш.	Амалий чора-тадбирлар	2024 йил 1 март	Тошкент шаҳар ҳокимлиги (<i>Умурзаков</i>), «Хунарманд» уюшмаси (<i>Абдуллаев</i>)
9.	Ҳудудларда хунармандчилик фаолиятининг ҳар бир йўналишини алоҳида ёндашувлар асосида ривожлантириш дастурларини ишлаб	Чора-тадбирлар дастури	Ҳар йили декабрь	«Хунарманд» уюшмаси (<i>Абдуллаев</i>), Қорақалпоғистон Республикаси

	чиқиш ва Вазирлар Маҳкамасига киритиш. Бунда, хунармандчиликнинг йўқолиб кетаётган турларини сақлаб қолиш ва келгуси авлодларга етказиш бўйича аниқ чораларни белгилаш.			Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари
10.	«Хунарманд» уюшмаси фаолиятини мутлақо янги тизим асосида ташкил қилиш. Бунда, қуйидагиларни назарда тутиш: хунармандчилик фаолиятини ривожлантириш, жумладан Уюшма томонидан хунармандларга хизмат кўрсатиш, давлат томонидан тақдим этилган субсидия, имтиёз ва бошқача қўллаб-қувватлаш чоралари самарадорлигини ошириш; соҳани ривожлантириш дастурлари учун жалб қилинадиган грант ва техник кўмак маблағларининг прогнози ҳамда аниқ йўналишларини белгилаш; хунармандчилик маҳсулотларини ички ва ташқи бозорларда кенг тарғиб қилиш ва сотиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш; хунармандчилик фаолияти учун зарур хомашё базасини шакллантириш ва ривожлантириш; Уюшманинг молиявий имкониятларини кенгайтириш ва шу орқали хунармандларга кўрсатиладиган хизматлар сонини кўпайтириш; Уюшма раиси ўринбосарлари ўртасида аниқ вазифалар ва функцияларни тақсимлаб, Уюшма ижро этувчи аппарати ва ҳудудий бўлинмаларининг тузилмалари ҳамда штат бирликларини тасдиқлаш.	Чоратадбирлар режаси	2023 йил 1 сентябрь	«Хунарманд» уюшмаси (Абдуллаев)
11.	Давлат бюджети параметрларида қуйидагиларни молиялаштириш учун зарур маблағларни назарда тутиш: Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги буюртмаси бўйича — Хунармандчилик ва касаначиликни қўллаб-қувватлаш жамғармасини молиялаштириш; Маданий мерос агентлиги буюртмаси бўйича — давлат музейлари эҳтиёжидан келиб чиқиб хунармандларнинг миллий қадриятларни акс эттирган муаллифлик асарларини сотиб олиш.	Амалий чоратадбирлар	Ҳар йили Давлат бюджетини шакллантириш жараёнида	Иқтисодиёт ва молия вазирлиги (Кубдиев), Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги (Мусаев), Маданий мерос агентлиги (Абдиқаримов)

12.	<p>Халқаро ҳунармандчилик, бадий санъат ва дизайн институтини ташкил этишни назарда тутувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритиш. Бунда, институтнинг вазифалари этиб қуйидагиларни белгилаш:</p> <p>ҳунармандчилик йўналишида олий маълумотга эга кадрларни тайёрлаш, жумладан «уста-шогирд» анъаналари асосида дуал таълим тизимини кенг жорий қилиш;</p> <p>ҳунармандчиликнинг анъанавий турларини сақлаб қолган ҳолда, замон талабларига мослаштириш ва ривожлантириш;</p> <p>ҳунармандчилик ҳамда замонавий архитектура, қурилиш, дизайн, тўқимачилик ва бошқа саноат соҳалари ўртасида ўзаро интеграцияни таъминлаш;</p> <p>уста-ҳунармандлар томонидан мактабларда амалий сабоқ бериш амалиётини йўлга қўйишга услубий кўмаклашиш.</p>	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси	2023 йил 1 сентябрь	«Ҳунарманд» уюшмаси (Абдуллаев), Маданият ва туризм вазирлиги (Назарбеков), Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги (Абдурахмонов)
13.	<p>Миллий матолар (хонатлас, адрас, сатин, аъло бахмал) ва каштачиликдаги гул ва нақшларни миллий ҳунармандчилик бойлиги сифатида асраб-авайлаш, ҳимоя қилиш ва ушбу йўналишдаги ҳунармандчилик турларини ривожлантиришга оид таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритиш. Бунда:</p> <p>миллий мато ва каштачиликда фойдаланиладиган анъанавий гул ва нақшларнинг янгиланиб борувчи реестрини юритиш;</p> <p>давлат ва оммавий тадбирларда саҳналарни безаш, бадий жамоалар либосларини тайёрлаш ва хорижий меҳмонларга совғалар беришда фақат қўлда тўқилган миллий мато ва ҳунармандчилик маҳсулотларидан фойдаланишни назарда тутиш.</p>	Чора-тадбирлар режаси	2023 йил 1 сентябрь	«Ҳунарманд» уюшмаси (Абдуллаев), Маданият ва туризм вазирлиги (Назарбеков)
14.	<p>Болаларда миллий қадриятларга ифтихор туйғусини янада ошириш, амалий санъат ва миллий ҳунармандчиликка оид тушунчаларни эрта ёшдан шакллантириш мақсадида мактабгача таълим ташкилотларининг ўқув дастурларида кулолчилик ҳунари</p>	Идоравий ҳужжат	2023 йил 1 август	Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги (Шин), «Ҳунарманд» уюшмаси (Абдуллаев)

	тўғрисидаги тушунчаларни акс эттиришни йўлга қўйиш.			
15.	Мақтабни аъло баҳолар билан тамомлаган битирувчиларга мактаб даврини эслатадиган миллий хунармандчилик маҳсулотлари тўпламини совға қилиш амалиётини йўлга қўйиш.	Амалий чора-тадбирлар	Ҳар йили май ойида	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги (Умарова), «Хунарманд» уюшмаси (Абдуллаев)
16.	Хунармандчилик фаолиятида зарур ёғоч хомашё базасини шакллантириш ва тайёр маҳсулотларни реализация қилиш учун «Хунарманд» уюшмаси таъсисчилигида хунармандчилик кластерини ташкил этиш.	Амалий чора-тадбирлар	2023 йил 1 август	«Хунарманд» уюшмаси (Абдуллаев)
17.	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 30 декабрдаги ПҚ-77-сон қарорида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида импорт ўрнини босувчи қаттиқ турдаги ёғоч хомашё базасини етиштириш учун Тошкент вилояти, Янгийўл туманидан захирада бўлган 300 гектар қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларни хунармандларга ижарага бериш учун белгиланган тартибда электрон танловларни ташкил этиш.	Амалий чора-тадбирлар	2023 йил 1 август	Тошкент вилояти ҳокимлиги (Мирзаев), Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (Воитов), Давлат активларини бошқариш агентлиги (Ортиқов), «Хунарманд» уюшмаси (Абдуллаев)
18.	Хунармандчилик кластерини моддий қўллаб-қувватлаш мақсадида «Хунарманд» уюшмасига Вазирлар Маҳкамасининг захира жамғармаси ҳисобидан саккиз йил муддатга, бирйўла қайтариб бериш шарти билан 5 млрд сўм ссудаажратиш.	Амалий чора-тадбирлар	2023 йил 1 август	Иқтисодиёт ва молия вазирлиги (Қудбиев), «Хунарманд» уюшмаси (Абдуллаев)
19.	Хорижий ва маҳаллий туристларга хунармандчилик маҳсулотларини кенг тарғиб қилиш мақсадида йирик меҳмонхоналарда хунармандчилик маҳсулотларини сотиш шоурумларини ташкил қилиш.	Амалий чора-тадбирлар	Доимий равишда	Маданият ва туризм вазирлиги (Назарбеков), «Хунарманд» уюшмаси (Абдуллаев),

				Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари
20.	Тошкент, Нукус шаҳарлари ва вилоят марказларида маҳаллий ҳокимликлар томонидан ташкил этиладиган ҳунармандчилик маҳсулотлари савдо павильонларининг манзилли рўйхатини тасдиқлаш. Бунда, савдо павильонларини 2023 йил 1 октябрга қадар ишга тушириш ва «Хунарманд» уюшмаси ҳудудий бошқармаларига текин фойдаланиш ҳуқуқи билан беришни назарда тутиш.	Чора-тадбирлар режаси	2023 йил 1 июль	Вазирлар Маҳкамаси (<i>Ходжаев</i>), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, «Хунарманд» уюшмаси (<i>Абдуллаев</i>)
21.	Ҳудудларда кулолчилик маҳсулотларини кенг оммага тарғиб этиш ҳамда уларнинг миллий ифтихор рамзи сифатида ҳар бир хонадонга кириб боришини таъминлаш мақсадида ҳар бир ҳудудда кулолчилик сайилларини ўтказиш.	Амалий чора-тадбирлар	Ҳар йили камида 2 мартаба	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, «Хунарманд» уюшмаси (<i>Абдуллаев</i>)
22.	Ўзбекистоннинг хорижий давлатлардаги барча дипломатик ваколатхоналарида ташкил этиладиган шоурум, кўргазма заллари ва савдо дўконларига хунармандчилик маҳсулотларина муналарини етказиб бериш.	Амалий чора-тадбирлар	Доимий равишда	Ташқи ишлар вазирлиги (<i>Саидов</i>), Инвестициялар, саноат ва савдо вазирилиги (<i>Кудратов</i>), «Хунарманд» уюшмаси (<i>Абдуллаев</i>)
23.	Ўзини ўзи банд қиладиган шахслар учун фаолият (ишлар, хизматлар) турлари рўйхатини хунармандчилик фаолиятининг йўналишлари рўйхатидан келиб чиқиб такомиллаштириш бўйича таклифлар киритиш.	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси	2023 йил 1 сентябрь	Иқтисодиёт ва молия вазирлиги (<i>Кудбиев</i>), Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги (<i>Мусаев</i>), «Хунарманд» уюшмаси (<i>Абдуллаев</i>)

24.	«Хунармандчилик фаолияти тўғрисида»ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш ва белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритиш.	Қонун лойиҳаси	2023 йил 1 октябрь	«Хунарманд» уюшмаси (Абдуллаев), Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги (Мусаев), Иқтисодиёт ва молия вазирлиги (Кудбиев)
-----	--	----------------	--------------------	---

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 12 июндаги ПФ-91-сон Фармонида
5-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига киритилаётган ўзгартиришлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 17 ноябрдаги «Хунармандчиликни янада ривожлантириш ва хунармандларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5242-сон Фармонида:

а) 4-бандда:

иккинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

учинчи — бешинчи хатбошилар тегишинча иккинчи — тўртинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

б) 9-банднинг биринчи хатбошисидаги «мазкур Фармоннинг 1-иловасига» сўзлари «белгиланган тартибда тасдиқланган хунармандчилик фаолиятининг йўналишлари рўйхатига» сўзлари билан алмаштирилсин;

в) 16-банддан учинчи ва тўртинчи хатбошилар чиқариб ташлансин;

г) 1-илова ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 30 декабрдаги «Хунармандчилик фаолиятини қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-77-сон қарорининг 6-бандида:

биринчи хатбошидаги «2022 йил 1 июнга» сўзлари «2023 йил 1 октябрга» сўзлари билан алмаштирилсин;

бешинчи хатбошидаги «Савдо-саноат палатасининг ҳудудий бошқармаларига оператив бошқарув ҳуқуқи» сўзлари «Хунарманд» уюшмасининг ҳудудий бошқармаларига текин фойдаланиш ҳуқуқи» сўзлари билан алмаштирилсин;

олтинчи хатбошидан «Савдо-саноат палатаси ва» сўзлари чиқариб ташлансин.

(Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 12.06.2023 й., 06/23/91/0357-сон)